

---

## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ КУНИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозаровнинг 2021 йил 15 февралдаги фармойишига асосан вилоят адлия бошқармаси, туман адлия бўлими томонидан «Ҳуқуқий ахборот куни» лойиҳаси доирасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва сайёр давлат хизматларини кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Қорасой МФЙда тадбир ўтказилди. Қорасой, Тараққиёт, Истиқлол МФЙларда яшовчи ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож аҳолининг муаммолари ўрганиб чиқилди. Тадбирда тегишли ташкилот, идора раҳбарлари қатнашдилар. Аҳоли вакиллари Сайёрахон Музаффарова, Латофат Мирзаева, Гулноза Раҳмонова, Гулнора Аҳмедова, Робия Акбарова, Хурсанали Раҳмонов, Мунаввар Тожибоева, Маҳфиратхон Аҳмаджонова, Маҳлиё Абдуҳақимова томонидан кўчаларни шағаллаштиришда ёрдам, болалар пули, моддий ёрдам пули олиш тартиби, расмий ишга жойлашиш, уй-жой масаласи, кадастр ҳужжатти, МТТга болаларни жойлаш тартиби, тиббий даволаниш ва шу каби муаммолар айтилди. Билдирилган мурожаатлар тегишли ташкилот вакиллари томонидан эшитилиб, қонун доирасида ҳал этиш бўйича йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилиб, айрим муаммолар жойида ижобий ҳал этилишига эришилди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-05-24 09:32:06